




Ислохот амалда

«КОРХОНАНГИЗ УЧУН ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯ КЕРАКМИ, БИЗГА МУРОЖААТ ҚИЛИНГ»


— дейишмоқда Тошкент «Тарх» илмий-ишлаб чиқариш акционерлик жамияти меҳнат аҳли

1994 йилнинг августда Тошкентдаги «Маҳаллий сааноат» корпорацияси тасарруфидagi «Прогресс» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси 1 миллион 800 минг сўмлик низоми жағмармаси билан акционерлик жамиятига айланган, номи «Тарх» илмий-ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамияти» деб ўзгартирилди. Бу ҳол корхона иқтисодий тартибий-структуравий ўзгаришларни амалга ошириш имконини берди. Хусусан, асосий эътибор тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга қаратилди. Шу мақсадда қисқа фурсат мобайнида «Нихол» қўшма корхонаси барпо этилди. Бу ерда Швейцариядан келтирилган тўқув дастгоҳлари ўрнатилган, шарф ва жемперлар тайёрлаш йўлга қўйилди. Россия Федерациясининг Орёл вилоятидаги «Вақ» ишлаб чиқариш корхонаси билан ҳамкорликда йилга 200 минг дона уй соатлари ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган қўшма корхона ишга туширилди. Шунингдек, бир-



лашма қошида сополдан чойнак, пиёла, коса ва бошқа идишлар ишлаб чиқарилган цех фаолият кўрсата бошлади. Улар ҳозирги кунда корхонага мўмайгина даромад келтирмоқда. — Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясидаги маърузасида «Бугунги энг муҳим, ҳал қилувчи масала — кичик ва ўрта корхоналарни ривожлантириш, уларга кенг имконият ва имтиёзлар ташкил қилиб бериш» деб таъкидладилар, — деди ҳис-

садорлик жамияти раиси Ғайрат Юсупов. — Бу вазифа, шубҳасиз, бизнинг зиммамизга ҳам катта масъулият юклайди. Корхонамиз аҳли деҳқон (фермер) ҳўжалари ва хусусий кичик корхоналарни техника воситалари билан таъминлашга аллақачон киришган. Айни кунларда узоқ йилларга мўжалланган махсус дастур асосида гиламдўзалар учун ичмам механик тўқув дастгоҳлари, соатига икки мингта хом ва пишиқ гишт қуядиган кўчма қурилма, ҳар соатда чорва учун 500



килограмм ем тайёрлайдиган тегирмон ҳамда бирваракайга ёғочни етти хил

шаклга кирита оладиган ускуналар ишлаб чиқарилиб, бюртмаҳалларга етказиб берилмоқда.

Шунингдек, бирлашмада тикувчилик цехи ҳам ташкил этилган бўлиб, унда турли хил бежирим кийим-кечаклар тикилаётти. Шу билан бирга, жумҳуриятимиздаги деярли барча трикотаж фабрикаларига ва тикувчилик билан шугулланган хусусий фирмаларга истаган фасондаги кийим-кечаклар модели тайёрланаётти.

Яқинда маъмурият яна бир савобли ишга қўл урди. Маълумки, шу пайтга қадар жумҳуриятимизда терини қайта ишлаш энг катта муаммолардан саналарди.

мо унга узоқ вақтдан буён тинчлик бермасди. Кунларнинг бирида у корхонадаги барча муҳандис-конструкторлари йиғиб, муддаосини тушунтирди. Улар яқин қарорга келгач, терини қайта ишлайдиган ускуна яратишга жиддий киришдилар. Натижада жаҳон технология андозаларига ўла жавоб берадиган, яъни хом терига дастлабки ишлов беришдан бошлаб то ундан тайёр кийим тикишга қадар барча иш жараёнларини бажарадиган линия яратилди. Унинг яна бир муҳим жиҳати шуки терини ошлаш учун ишлатилган оқова сувни заҳарли моддалардан электрокимё усулида тозалайдиган махсус қурилмага ҳам эга. Ҳозир бирлашмада шу технология асосида тажриба-синов цехи ташкил этилмоқда.

Хуллас, «Тарх» илмий-ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамияти конструкторлари, ишчи-хизматчилари юқорида қайд этилган юмушларни амалга оширибгина қолмасдан, балки жумҳуриятимиздаги мавжуд илмий-тадқиқот институтлари олимлари билан ҳамкорликда бу борада қизгин изланишлар олиб бормоқдалар.

Баҳодир ОСТОНАҚУЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.



ТАНТАНА ҲАММА ЕРДА УТАДИ

Буюк Британия Бош вазир Жон Мейжор Фашистлар устидан қозонилган Ғалабанинг 50 йиллиги муносабати билан Москвада ўтказилган таптанали маросимларда қатнашиш истагини билдирди.

У 8 май кунини Париж ва Берлин шаҳарларида ўтказилажак таптаналарда ҳам иштирок этади.

6-8 май кунлари Буюк Британияда ҳам Ғалабанинг 50 йиллиги муносабати билан байрам ўтказилади. Мазкур талбирга 50 дан ортиқ давлат ва ҳукумат раҳбарлари тақлиф қилинган.

БОШ ВАЗИР АҚШГА БОРМОҚЧИ

Покистон Бош вазир Бхутто апрел ойининг биринчи ярмида Америка Қўшма Штатларга расмий сафар қилади.

Бу ҳақда Покистон Ташқи ишлар вазирлиги вакили маълум қилди. Унинг таъкидлашича, Бош вазирнинг АҚШга ташрифидан қўзланган мақсад икки мамлакат ўртасида савдо ва бошқа соҳалардаги ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантиришдир.

МУҲОКАМА МАВЗУСИ — ФОРС КЎРФАЗИ МУАММОСИ

Бирлашган Араб Амирликлари Президентини шайх Зайд ибн Султон АҚШ мудофиа вазир Уильям Перри билан учрашди.

Музокара чоғида Форс кўрфазидagi аҳвол ва Яқин Шарқ муаммоси билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинган.

ҚУПОРУВЧИЛИК ҲАРАКАТИ ҲАПАП БЕРДИ

Исроил радиоси тарқатган хабарга кўра, мамлакат Бош вазир Исҳоқ Рабин Вазирлар Маҳкамасининг фаёсатчилик маҳбусларини озод этиш масаласи юзасидан ўтказилган мажлисни кечиктиришга қарор қилди.

Номатўям шахсларнинг қўпоровчилик ҳаракати оқибатида 21 нафар яҳудий халок бўлган ушбу қарорнинг қабул қилинишига сабаб бўлди, дейилади хабарнинг.

ЯПОНИЯ ЁРДАМИ

Япония ҳукумати Мьянма мамлакатига бир миллиард иен миқдорда молиявий ёрдам бериш тўғрисида битим имзолади.

Мьянма ҳукумати вакили мазкур маблағ мамлакат қишлоқ ҳўжалиги ва иқтисодий тинчлик учун сарф этилаётганини айтди.

ХАТОЛАРИНИ ТАН ОЛИШДИ

Қозғоғистон парламентининг собиқ аъзолари давлат маблағини сарфлашда исрофгарликка йўл қўйганликларини тан олмақдалар.

Парламент маблагининг маълум қисмини қонун чиқаришдан йироқ бўлган бошқа ишларга ҳам сарф этганини кўпалаб матбуот нашрлари, жумладан, «Қараваң били» газетаси ҳам таъкидламоқда.

НОРОЗИЛИК САБАБИ

23 мартда Россия Федерациясининг ҳарбий вертолётини Хоккайдо ороли шимолда Япониянинг ҳаво chegarасини бузиб ўтгани.

Япония ҳукумати мазкур чегара можаросига қатъий норозилик билдирди. Ушбу хабарни Япония Ташқи ишлар вазирлиги маълум қилди.

КУН ТАРТИБИДА — ПОРАХЎРЛИК МАСАЛАСИ

29 апрелдан 8 майгача Қоҳирада БМТнинг жинойатчиликка қарши курашга бағишланган халқаро конференцияси бўлиб ўтади.

Унда ҳукумат тизимидаги порохўрлик масаласини муҳокама этиш ҳам режалаштирилган. Конференцияда БМТга аъзо мамлакатларнинг Ички ишлар ёки Адлия вазирликлари вакиллари иштирок этади.

ПРОКУРОР РОЗИ

Россия бош прокурорининг ёрдамчиси Александр Звягинцев Москва прокурори вазифасини вақтинчалик бажариб турган Сергей Герасимов пойтахт прокурори бўлиб қолишига розилик берганини журналистларга маълум қилди.

Маълумки, Москванинг собиқ прокурори Геннадий Понамарёв журналист Владислав Листьевнинг ўлимидан сўнг ишдан олинган эди.

КОМИССИЯ РАИСИ ОҒОҲЛАНТИРДИ

Европа комиссияси раиси Жак Сантер Канада Бош вазир Жан Кретьенни Шимолий Атлантикада балиқ овлаш муаммоси юзасидан музокара бошлашга чакирди.

Шунингдек, атар Канада ҳукумати яна бир марта Европа кемасини халқаро сувда ҳўбста олса, Брюссел Оттава билан бўладиган барча муносабатларни тўхтатади, деб айтди у.

ЗИДДИЯТ БАРҲАМ ТОПСА АЖАБМАС

Туркия қўшнларининг Ироқ шимолда курд жангариларига қарши олиб бораётган ҳарбий ҳаракатларидан мақсад қўпоровчиликка қарши курашдир, деди мамлакат Бош вазир Тансу Чилер.

Ушбу талбир Туркиянинг халқаро майдонда яққаланиб қолишига сабаб бўла олмайди, дея таъкидлади у. Туркия қуроли кучлари матбуот марказининг хабарига кўра, ҳарбий ҳаракатлар давомида 13 нафар турк аскари ҳалок бўлган. Курд ишчи партияси жангариларидан эса 200 киши ўлдирилган.

МОПИЯЧИЛАР ЙИҒИЛИШДИ

Прагада Европа банк-молия анжумани ўзинини яқунлади. Унда европалак 320 нафар банк хўдмлари иштирок этди.

Анжуман иштирокчилари уч кун давомида собиқ Иттифок ҳудудида ташкил топган мустақил давлатларнинг иқтисодий фаолияти билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилдилар. Тадбирда Россия, Украина ва Литва вакиллари ҳам қатнашди.

Президент фармонлари амалда ҚАНИ ЭНДИ ҲАММА ҲАМ ШУНДАЙ БАЖАРСА...

• Турар-жойингиз хусусийлашди, энди таъмирлаш билан ким шугулланади? • Бирдан иссиқлик қувури ёрилди, ёки газ кранингиз ишдан чиқди, бу нуқсонни қандай қилиб тезда бартараф эта олиш мумкин? • Томингиздан чакки ўтмоқда, шиферни шошилич равишда қаердан топасиз? • Иморатингиз битдию, эшик-деразаларга қийнаб қолдингиз, уни қимдан олиш мумкин? Дарҳақиқат, Раҳмонхон НАЗАРОВ бошқараётган «Тезкор» ширкати кўптармоқли хизмат фаолияти билан эл назарига тушди. Келинг, яхшиши одамларга улар қандай хизмат кўрсатаётганликларини билан яқинроқдан таништириб кўққолайлик. Биз ширкатнинг янги очилган «ЭЛГА ХИЗМАТ — ОЛИЙ ҲИММАТ» дўконидан. — Ошна, кеча газ крани бузилиб, газни тўхтатиб қўйишга тўртти келди, ёрдам берворинг. — Марҳамат, 3 сўм 40 тийин тўланганда, слесаримизни унингизга бошланг, ҳозироқ уриятиб келамди, — деди дўкон мудир Олимжон Муллабоев. — Яхши йингит бизга учта қора қоғоз керак эди, томдан чакки ўтаётти, — дея муурожаат этди соқоли кўксита тушган Турғубой ота Норбоев. — Ҳовлига ўтинг, аравага юклаб, уйнингизга ташлаб қўйишадди, ҳозир кассамизга 21 сўм 12 тийин тўлаб қўйсаниз бас, — жавоб қилди сотувчи йингит. Бир гуруҳ хотин-қизлар дўконга кириб келишди. Улар 22-уйда яшашар экан, анчадан бери водопровод яхши ишламас-да, арзларига уй-жодан фойдаланиш идораси хўдмилари эътибор қилишмабди. Шунинг учун ҳам улар дўкон соҳибига ёрдам сўраб келишибди. Ширкат раҳбарлари уларнинг арзларини обдон тингладиди шундай деди: — Опақонлар, ширкатимиз кўраётган фойданинг 35—40 фоизи саҳоват ишларига мўжалланган. Сизнинг уйнингиздаги ишларини бепул бажариб берамиз. Ҳозир усталар бориб қўришади. Ширкат азаматлари бундай хайрли ишларни тез-тез бажариб туришади. Шунингдек, бир йўла 620 кишига хизмат кўрсата оладиган поликлиника ҳам, медицина-санитария қисмига ҳам, 1, 4, 7-болалар боғчаси, музыка мактаби билан 48-ўрта мактабга ҳам кўмак берилган. 40 дан ортиқ ногиронларга, кам таъминланган оилаларга, боқувчисини йўқотган кексаларга кўрсатилган беминнат ёрдам улар зиммасида. Бугун эса, биргина тўқимачилар шаҳарчасининг эмас, балки Совет туманида истиқомат қилаётганларнинг сантехника анжомларига бўлган талаблари қондириляпти. Шунингдек, янги уйлари учун керакли эшик ва деразалар, хонтахта, ёғочдан ишланган безакбоп буюмлар, кўрпалар, товоқ, пиёла, чойнак, ликопча, ваза ва бошқа совға буюмлари ҳам «Тезкор»нинг усталари томонидан тайёрляпти. Халқ истемол моллари ишлаб чиқариш кенгаймоқда. Шойи газламалар бирлашмаси тўқимачилари томонидан тайёрланаётган 40 хил газламалардан 70 хил маҳсулотлар эл-юртга тортиқ этиляпти. Шундай, атар «Тезкор» ширкати билан бир бор алоқа уристангиз бас, улар сизнинг ҳар қандай хизматингизни кўнгилнингиздагидай удаллаб қўйлар.

Турғубойот СУЛАЙМОНОВ, «Халқ сўзи»нинг жамоатчи мухбири.

«Халқ сўзи» ва Давлат солиқ қўмитаси хабар қилади

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг Бош божхона бошқармаси ва қўйи бўлинмалари хўдмилари республикаимиздан ташқарига олиб чиқиб кетилаётган кўпалаб турли озиқ-овқат маҳсулотларини ушлаб қолмоқдалар.

1995 йилнинг дастлабки икки ойи мобайнида қондабузарлардан умумий нархи 4 миллион 300 минг сўм бўлган турли озиқ-овқат маҳсулотлари мусодара этилди. Бунинг 3 тоннаю 800 килоси ун, 60 тоннаю 400 килоси ёғ, 45 тоннаю 900 килоси гуруч, 6 тоннаю 300 килоси шаккар, 2 тоннаю 700 килоси қуруқ сўт, 3 тоннаю 900 килоси чой ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларидир. Биргина 27 февралнинг ўзида Самарқанд вилояти бўйича 7350 сўмлик 211 кило конфет, Фарғона вилояти бўйича 13800 сўмлик 2 тоннаю 277 килограмм гуруч, Бухоро вилояти бўйича 30.600 сўмлик 1 тоннаю 530 кило томат пастаси ва 5956 дона терси, Сирдарё вилояти бўйича 16800 сўмлик 2 тоннаю 100 литр дизел ёнлиғиси, Андижон вилояти бўйича 16100 сўмлик 43 дона қорамол териси, Тошкент шаҳри бўйича 10 минг сўмлик 400 килограмм маргарин ва 2684 сўм-

лик 488 буханка нон ушлаб қолинди. Бу нохуш ҳолат айбдорларидан 968 нафари маъмурий жавобгарликка тортилди, 137 нафари бўйича тўпланган ҳужжатлар эса қонуний чора белгиланган турли озиқ-овқат маҳсулотларини ушлаб қолмоқдалар. Нон маҳсулотларини

ризқи. Энди ушбу биргина рақам ортидаги талон-тарожилик миқдослари ва ижтимоий-иқтисодий оқибатларини тасавур этишимиз қийин эмас.

Ташвишланарли бу аҳвол қандай юз бермоқда? Олиб кетилаётган минг-миנגлаб дона нонлар чайқов-юк халтасидан 116 ва 107 дона қопилланган оқ нон олиб қолинди. Бундай мисолларни юзлаб келтириш мумкин. Улар нонни қаердан оляпти? 200-300 доналаб бозордан олиб бўлмайдди, чунки қопилланган нон бозорда сотилмайди. Демак, улар олиб кетилаётган нонларни республикаимиздаги асосан, Тошкент шаҳридан олишган. Орамиздан қимдир халқимиз, фарзандларимиз ризқини қийиб нонни, ёғни, бошқа маҳсулотларни

КИМ АЙБДОР? ёки нон ва нон маҳсулотларининг республикаимиз ҳудудидан ҳўфёна олиб чиқиб кетилаётганлиги хусусида

четта ташиб кетишга, уни чайқовчилик товарига айлантириш, шундан, пул ишлашга уриниш ҳўллари кўпайгани айниқса ташвишланарлидир. Божхона хизмати хўдмилари биргина февраль ойи мобайнида нон маҳсулотларини республикаимиздан ташқарига олиб чиқиб кетишга уринган 700 нафарга янги шахсининг тижоратчилик «саёҳати»нинг олдини олдилар. Ички ишлар идоралари хўдмилари билан ҳамкорликда ўтказилган бу талбирларда қарийб 26 минг дона нон ушлаб қолинди. Баъзи ҳафтааларда бу рақам 12-13 мингитани ташкил этди. Агар бир оила ҳафтаю 12-13 донадан нон ейди деб оладиган бўлсак, бу мингта оиланинг бир ҳафталик

Ибодулло ЎСАРОВ, қўмита матбуот хизмати хўдими.



Хабарлар оқимидан

ҚОПИП ХОРИЖДАН, НОНИ ИЗБОСКАНДАН

Туман савдо ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамияти талбиркорлари саёй-ҳаракати билан Пойтуғ шаҳрида янги шаклдаги бўрсилдоқ, мазали нонлар харидорларга етказиб берила бошланди. Гап шундаки, бу ерга Туркиянинг «Политехник» деб номланган технологияси олиб келиниб, гоит қисқа муддат ичида ишга туширилди. Бир кеча-кундузда 5-6 тонна ун тайёр маҳсулотга айлантирилмоқда. Корхона бошлиғи Маҳмуджон Эргашевнинг таъкидлашича, ишбилармонлар бўрсилдоқ нонни нафақат Избосқан тумани аҳли, Андижон шаҳрига ҳам тортиқ қилишмоқчи.

Ф. ШОДМОНЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

СИФАТ КЎП НАРСАНИ БЕЛГИЛАЙДИ

Бухоро пойафзал ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳиссадорлик жамиятига айлантирилгач, корхонанинг маҳсулот сифати анча яхшиланди. Харидорлар дидига мос келмайдиган пойафзал турлари қамайтирилиб, кўпчиликка манзур бўладиган оёқ кийимлар тайёрлана бошланди. Айни пайтда корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати ортиб, 54 хилдаги ёғи ва киши оёқ кийимлар сотувга чиқарилмоқда. Маҳсулотлар сифати ҳам, миқдори ҳам кўп нарсани белгилар экан. Бултур корхона жамоаси 4 миллион сўмлик соф фойда кўрди. Агар иш шу зайлда кетаверса... даромадга гап йўқ.

Ў. ДҮСТЕР, «Халқ сўзи» мухбири.

ЯХШИ ДАМ — МЕХНАТГА ҲАМДАМ

Наманган вилоят агро-сааноат мажмуаси қасаба уюшма қўмитаси дала меҳнатқашларининг яхши дам олиб, саломатлигини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор бермоқда. Бу йил 1080 нафар сувчи ва механизаторга соғломлаштириш масканларига бепул йўланмалар бериш режалаштирилган. Ҳозирга қадар 800 нафардан зиёд сувчи ва механизатор вилоятдаги «Лола», «Ирригатор», «Наврў» ҳамда Наманган аврли газламалар бирлашмаси, Қосоний шойи тўқич фабрикаси, вилоят газлаштириш бошқармасига қарашли санаторий-профилакторийларда қордиқ чиқариб, саломатлигини мустаҳкамладилар.

А. МАДЛТОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

БИРНИ КЎРИБ ФИКР ҚИЛ, БИРНИ КЎРИБ ШУҚР ҚИЛ

АҚШда тиббий хизмат жуда қиммат. Шунинг учун аҳолининг кўп қисми ўз соғлигини сақлаш мақсадида физкультура ва спорт билан муттасил шуғулланади

Ўзбекистонда аҳолига ижтимоий ёрдамни ташкиллаштириш тизими учун етук ва малакали мутахассислар тайёрлашга эътибор кучайтирилди. Шу мақсадда 1994 йили 8 киши Ижтимоий таъминот вазирлиги томонидан АҚШда бўлиб, Маорифни ривож-лантириш академияси ташкил этган бир ойлик махсус ўқув дастури билан таниди.

Биз — Ўзбекистон, Тожикистон, Туркманiston ва қирғизistonлик бир гуруҳ ижтимоий таъминот тизими ходимлари Нью-Йорк штатида жойлашган Итака шаҳридаги Корнел университетиде таҳсил олдик.

Маълумки, ногиронликка олиб келувчи асосий сабаблардан бири турли касалликлар асоратидир. Буни яхши тушу-нган аҳолининг кўп қисми ўз соғлиги тўғрисида ўзи раҳм-у-рўқ қилади.

Касалхоналарнинг жиҳозла-ниши, лаборатория ва даво-лаш ускуналари билан таъмин-лаш даражаси жуда ҳам юқо-ри. Бўлусли шифокор универ-ситетда 12 йил ўқиб, диплом олгандан кейин малака оши-риш курсларини битириши ва махсус давлат имтиҳонидан ўтиши керак.

Фондор аҳолининг моддий то-мондан яхши таъминланган қатлами ҳисобланиб, йиллик даромади 200-250 минг дол-лардир. Касалхона бўлимлари 20-25 нафар беморга мўлжалланган бўлиб, ҳар бир бўлимда ши-фокордан ташқари ижтимоий таъминот ходими ҳам иш олиб боради.

Беморларга берилган касал-лик варақасига биноан, беш кунгача 100 фоиз маоши сақ-ланади. Агар у бир ой ичида тузалиб, иш фаолиятини да-вом эттира олмаса, шифокор тавсияси билан 6 ойгача вақ-тинча меҳнатга яроқсизлик дастури асосида даволаниб, ойлик маошининг 50 фоизи миқдориде таъминланади.

Беморларнинг моддий то-мондан яхши таъминланган қатлами ҳисобланиб, йиллик даромади 200-250 минг дол-лардир. Касалхона бўлимлари 20-25 нафар беморга мўлжалланган бўлиб, ҳар бир бўлимда ши-фокордан ташқари ижтимоий таъминот ходими ҳам иш олиб боради.

ногиронлик гуруҳини белгилов-чи махсус қонда қабул қилин-ган ТМЭК (Тиббий меҳнат эксперт комиссияси) Амери-када йўқ. Ҳар бир кишининг соғлиги тиббий суғурта орқа-ли ҳимояланган. У қасал ёки ногирон бўлиб қолса, сарфла-надиган барча ҳаражатларни давлат билан бир қаторда тиб-бий суғурта компаниялари кў-ради. Беморнинг аҳоли, ка-саллик натижасида соғлиги ва меҳнат қобилиятини йўқотган-лиги ҳақидаги тиббий ҳулоса у даволанаётган касалхона ши-фокори томонидан компьютер орқали бемор соғлигини су-гурта қилган компанияга юбо-рилади. Компания ушбу ҳуло-сага кўра, ногиронга нафақа белгилайди. Агар беморнинг соғлиги ҳақидаги ҳулосага шубҳа туғилса, бундай ҳолда компания ўзи хоҳлаган ши-фокори маслаҳатга қақриши ва ундан фойдаланиши мумкин.

АҚШда қабул қилинган қон-унларга биноан, ногиронлар билан соғлом кишининг ҳу-қуқлари тенгдир. Ногиронлар-ни ишга ўратиб ва меҳнат билан таъминлашга катта аҳа-мият берилди. Меҳнатга яроқ-ли тоифага кирувчи ногиро-нлар ишланмаса, давлат томо-нидан белгиланган нафақа ҳам тўхтаиб қўйилади.

Жамолiddин НАЖМИДДИНОВ, Республика ногиронларнинг меҳнат қобилиятини аниқлаш ва тиклаш илмий-тадқиқот институти директори, тиббиёт фанлари номзоди.

Олам мунаввар бўлди Наврўздан

КЎРИК ЯКУНЛАРИ



27 март куни Абдор Ҳи-доятлов номидаги Ўзбек давлат ёшлар драма театрида Мала-ният ишлари вазири ва Театр арбоблари уюшмаси ҳам-корликда ўтказган Ўзбекистон давлат театри ва театр сту-диялари республика «Наврўз-95» фестивал кўриги якунла-рига бағишланган йиғилиш бўлди.

Бир ой давом этган мазкур фестивалда намойиш этилган энг яхши спектакллар учун му-кофотлар берилди. Мукофот-ларни халқ артисти, Театр ар-боблари уюшмаси раиси Б. Қориева ва санъатшунослик доктори М. Қодиров топшир-ди.

Кўрик якунига кўра Йўл-дош Охунбобоев номидаги республика ёш томошабинлар театрида Тоғай Мурод асари асосида саҳналаштирилган «От йиғлаган тунда» спектакли олий мукофот — «Гран при» кубоги билан (режиссёр — Ўз-бекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, давлат муко-фоти совриндори О. Салимов) тақдирланди.

«Илҳом» театрида «Тар-тилья флет» мавзеси» спекта-кли саҳналаштирган М. Вайлга, Қашқадар «Эски ма-ич» театр-студиясида саҳна-

лаштирилган «Меҳрибонги-нам» спектакли учун Б. Абду-раззоқова ва С. Хужаниёзов номидаги Қорақалпоғистон ёш томошабинлар театрида саҳна-лаштирилган «Энг сулув ке-линчак» спектакли учун Н. Ан-сарбоевга «Энг яхши режис-сёрлик иши учун» соврини бе-

рилди. Шунингдек, фестивал якунларига бағишланган йи-ғилишда бир қатор санъаткор-лар «Энг сара музиккий асар», «Энг яхши эркак роли ижро-чили» ва «Энг яхши аёл роли ижроси» учун совринлари билан тақдирланди.

СУРАТДА: энг яхши спек-такл учун берилдиган «Гран при» совринига Охунбобоев номидаги ёш томошабинлар теат-рининг «От йиғлаган тунда» спектакли сазовор бўлди. Теат-рининг бадий раҳбари О. Салимов соврин билан. А. РИСҚИЕВ (ЎЗА) олап сура-ти.

САВДО, ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ, ФЕРМЕРЛАР ВА АҲОЛИ ДИҚҚАТИГА!

Наманган нур қурилмалари корхонаси қуйидаги қуриш ва халқ истеъмолчи молларини сотишга тавсия қилади:

- 1. Сув иситиш қозони/300 м² майдонни иситиш қувватига эга/
2. Юқори ва паст босимда ишловчи газ тақсимлагич пунктлари ГРП-400, ГРП-50 В.
3. Зангласмас темирдан ясалган 70 литрлик "ТИТАН" сув қайнатгич.
4. Уч томонлама беркиладиган қулфиқ темир эшиклар.
5. 5 хил иш бажарадиган ёғочни қайта ишлаш дастгоҳлари.
6. Эшик-деризалар учун қурилиш жиҳозлари: ошиқ-мошиқлар, дастгоҳлар, зулфинлар ва бурчақлар.
7. 2 эшикли темир сейфлар.
8. Мактаб оихоналари ва умумий овқатланиш корхоналари учун стол ва стуллар.
9. Шунингдек, буюртмачилар чизмалари бўйича турли хил темир конструкцияларини тайёрлаб бериши мумкин.

Махсулотларни пул ўтказиш ёки нақд пулга ва мол айирбошлаш йўли билан олишингиз мумкин. Нархларимиз бозор нархларидан 10-20 фоиз арзон.

Телефонлар: 6-48-72, 6-47-83, 6-50-53. Факс: /369+22/ 6-48-72. Телетайп 258141 ДЕТАЛЬ.

Қорақалпоғистон Республикаси жамоатчилик ташкили туркиунос, Россия Федерацияси, Қорақалпоғистон, Қозғистон ва Туркманистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор Н. Баскаков тугилган кунининг 90 йиллигини нишонлади.

ОЛИМ ВА МУРАББИЙ ЮБИЛЕЙИ

Шу муносабат билан Қорақалпоғистон давлат дорилфунуни ва Ажиниёз номидаги Нукус давлат ўқитувчилар тайёрлаш илмгоҳида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Юбиларнинг ҳаёт йўли, илмий-тадқиқот ва педагогик фаолияти ҳақида унинг шоғирдлари, ҳозирги кунда республикамизда машҳур бўлган филолог, тарихчи, тилшунос-туркшунос олимлар маъруза қилдилар.

Н. Баскаков Москва дорилфунунида таълим олаётганда 1926 йилда уни фольклор ва этнографик материаллар тўплаш учун Қорақалпоғистонга жўнатилган. 1930 йилда унинг биринчи мақола-си эълон қилинди, 1932 йилда эса биринчи китоби — «Қорақалпоқ тилининг қис-қача грамматикаси» нашрдан чиқди.

Шундан бери у қорақал-поқ тилининг муаммоларини ишлаб чиқиш билан узлуксиз шуғулланиб келди. Н. Баска-ков фактанин қорақалпоқ тилининг грамматика ва лексикасининг бойлишига улкан ҳисса қўйибгина қолмай, у бутун туркий тилларнинг ривожига ҳам ўз ҳиссасин қўш-ди. Унинг 40 дан ошмиқ монографияси эълон қилинган, туркий халқлар тилларини ўрганиш бўйича улкан фан докторлари ва филология фани номзодларини тайёрлади. Унинг туркий тилларнинг грамматик характеристикаси ва лексик тузилиши тарихи ёритиб берилган илмий иш-лари ҳозир ҳам ўзининг аҳа-миятини йўқотмаган. Унинг тўрт жилди «Қорақалпоқ тили» китобининг учинчи ва тўртинчи жилдлари биринчи марта бу йил босмадан чиқа-ди.

Конференция қатнаши-лари ҳозир Москвада яшаёт-ган юбиларга самийий қўт-ловларини йўллагилар. (ЎЗА)

ИШСIZ ЭДИЛАР, ТРАКТОРЧИ БЎЛИШДИ

Султон Сеғизбоев номи хилоқ ҳўжалик халқ корпорацияси ва «Оқўрғон-ширкатлар бирлашмасида яшовчи 40 нафар ишсиз ёшлар Меҳнат биржаси томонидан ташкил этилган тракторчилар тайёрловчи курсларга жалб этилди-лар. Корпорацияда ўқиш тугаловчи. Бир йилликда эса давом этилади. Курслар-ни битирган ёшлар эгаллаган касблари бўйича иш билан таъминланадилар. Фарида ТУРСУНҚУЛОВА.

"Таштекстильмаш" заводи қуйидаги хизматларни кўрсатиш учун буюртмалар қабул қилади:

- 1. Металл қирқиш. -қалинлиги 10 мм.гача бўлган тахталанган прокатлар; -150 мм.гача 0 чиқиқчалар; -12 мм.гача 0 тахлама ашёлар; -75 мм.гача 0 қувурлар; -5, 6, 10, 12 рақамли швеллерлар; -турли ўлчамдаги тасма /тилим/, квадрат, олтиқирра, бурчакли металллар.
2. Чўзиш -42 мм. дан 2 мм. гача 0 чиқиқчалар; -16 мм.дан 2 мм. гача 0 тахлама ашёлар
3. Оғирлиги 100 кг. гача тишли гилдиракларни эркин болгалаш ва штамповка қилиш.
4. 3 м. дан 16 м.гача металл буюмлар тайёрлаш: яримайлана ва кўринмас бошчали бурама михлар; квадрат бошчали ва цилиндрсимон учли бурама михлар; цилиндрсимон бурама михлар; кичирайтирилган олтиқиррали кўринмас бошчали ва гажакли, яримайлана бошчали ва гажакли болтлар; резбали тешикли деталар учун шпикчалар; цилиндрсимон, конусе шаклидаги шифтлар; олтиқиррали зайкалар; қўлокли зайкалар /барашек; шайбалар; призмасимон шпонлар; михпарчинлар.
5. Пайвандалаш ишлари: газ билан, нуқтали-контакли аргон билан, карбонад ангидрид гази билан электрйили пайванд.
6. Пластмассадан босим остида қўйиш йўли билан детал тайёрлаш: капрон, полиэтилен, полипропилен, АБС, полистирол /63, 125, 250, 300, 1000 куб литр ҳажмида қуовчи термопласт-автомат/.
7. Гидропрессларда 100, 250, 350, 400 тонна босим билан К-18 русумли фенопластан ва древопластан деталлар пресслаш.

Буюртмачи берган материаллардан биринчи навбатда ва арзонлаштирилган нархларда тайёрлаб берилди. Маълумот учун телефонлар: 53-93-67, 53-93-73, 53-94-03.

Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазириликнинг Ҳунар таълими илмий тадқиқот институти қуйидаги вакант лавозимларга танлов эълон қилади:

- 1. Лаборатория мудири - (фан доктори ёки номзоди) - 2 та ўрин
2. Етакчи илмий ходим - (фан доктори) - 3 та ўрин
3. Катта илмий ходим - (фан номзоди) - 1 та ўрин
4. Кичик илмий ходим - (олий маълумотли) - 2 та ўрин
5. Катта лаборант - 2 та ўрин
6. Кутубхоначи - (олий маълумотли) - 1 та ўрин
7. Кадрлар бўйича назоратчи - 1 та ўрин
8. Котиба - 1 та ўрин
Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддат ичида қабул қилинади. Манзилимиз: 700000, Тошкент ш., Пушкин кўчаси, 7-уй.

Барча мулкчилик шаклларидаги корхона-ташкilotларнинг раҳбарлари, манфаатдор шахслар ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Республика ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш Маркази Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 2 мартдаги № 76

қарорига мувофиқ 20 кун мобайнида қўйма ва 100 фоиз чет эл инвестицияларига асосланган корхоналарни рўйхатдан ўтказиш учун зарур ҳужжатлар тўпلامини тайёрлаб беради ва рўйхатдан ўтиши, қайта рўйхатдан ўтишида амалий ёрдам кўрсатади, аудиторлик текширувларини ўтказида ҳамда ҳуқуқ, иқтисодиёт, молия, автоэкспертиза соҳаларига доир малакали хизматлар, ҳужжатларни нотариал тартибда тасдиқлаган ҳолда таржима хизматларини кўрсатади.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Себзор кўчаси, 1-уй. Тел.: 40-42-69, 40-50-02, 40-19-63.



"Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси шу йилнинг март ойидан янги рейслар очади.

Бу сизга Жанубий-Шарқий Осиёдаги Ява оролида жойлашган яратункор пойтахт шаҳарлардан бири Жакартани кўриш имкониятини яратди. Оролда замонавий ва қадимий обидаларнинг бир-бирига уйғунлашиб кетгани қалбингизни ром этади. Тошкент-Жакарта йўналишида ҳафтада икки марта ҳар жиҳатдан қулай "Ил-62" самолёти учади. Йўналиш орасида жойлашган Куала-Лумпур шаҳрида ҳам қўниб ўтади.

Table with flight routes and prices. Columns include route (e.g., P. НУ-111 Тошкентдан учади), price, and destination (e.g., Жакартадан учади). Prices range from 22.25 to 11.30.

(Европа вақти кўрсатиляпти. Баъзи ўзгаришлар бўлиши мумкин). Қўшимча маълумотларни авиачипталарни банд қилиш ва сотиш мажмуидан олишингиз мумкин. Тошкент шаҳри, Ш. Руставели кўчаси, 9, тел. 56-38-37, 006.

"Ўзбекистон ҳаво йўллари" - қўйғаларни ақинлаштиради.

